

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВА ФАЗИЛАТ НАРМАМАТОВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА ЖИГАРНИНГ СУРУНКАЛИ ДИФФУЗ
КАСАЛЛИКЛАРИ КЕЧИШИНинГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ВА
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Шукурова Фазилат Нармаматовна

Ревматоид артритда жигарнинг сурункали диффуз
касалликлари кечишининг молекуляр-генетик ва
клиник-иммунологик хусусиятлари..... 3

Шукурова Фазилат Нармаматовна

Молекулярно-генетические и клинико-иммунологические
особенности течения хронических диффузных заболеваний
печени при ревматоидном артрите..... 31

Shukurova Fazilat Narmamatovna

Molecular-genetic and clinical-immunological features
of the course of chronic diffuse liver diseases
in rheumatoid arthritis..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВА ФАЗИЛАТ НАРМАМАТОВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА ЖИГАРНИНГ СУРУНКАЛИ ДИФФУЗ
КАСАЛЛИКЛАРИ КЕЧИШИНING МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ВА
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Tib893 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Маъриф Шакирович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Халмурад Садуллаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ходжиметов Абдугафур Ахатович

биология фанлари доктори, профессор

Юлдашева Гулчехра Рустамовна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё аҳолисида тизимли аутоиммун касалликлар орасида кенг тарқалган ревматоид артрит (РА) тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш амалиётининг доимий диққат марказида туради. Ушбу касаллик барча мамлакатлар иқтисодиётига жуда катта зарар келтиради. Сўнгги йилларда РА ни эрта ташхислашда янги ёндашувлар жорий этилди ва базис даволаш тобора такомиллашрилмоқда, бу эса ушбу патологияни эрта башоратлашнинг сезиларли даражада яхшиланишига хизмат қилди. Баъзи тадқиқотлар касалликнинг оқибатини ёмонлашувига ва РА билан оғриган беморларнинг умр кўриш давомийлигининг қисқаришига бевосита сабаб бўлган коморбид ҳолатлар эканлигини тасдиқлайди. Ушбу муаммолардан бири РА билан оғриган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари (ЖСДК), хусусан сурункали вирусли (СВГ) ва сурункали аутоиммун гепатитлар (САИГ), жигарнинг ёғли гепатози ҳамда токсик гепатитнинг кечиши - ревматологиянинг бугунги кундаги РА асоратларини олдини олиш ва даволашда эришилган ютуқларига қарамасдан, жигар зарарланишининг клиник-функционал кўрсаткичларининг мунтазам турғун ортиши билан намоён бўлмоқда. Бу ўз навбатида РА да прогностик аҳамиятга эга бўлган жигарнинг диффуз касалликларининг беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсири, шунингдек ҳозирги кунгача ушбу ҳамроҳ патологиянинг патогенетик, клиник хусусиятларини кенг кўламда таҳлил қилиш ва эрта ташхислаш нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий долзарб муаммо эканлигини белгилайди.

Жаҳонда РА ва жигарнинг сурункали диффуз патологияларининг клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада РА ташхисли беморларда СВГ клиник ривожланиши ва кечишига метаболик, генетик омиллар таъсирини асослаш, унда ЖСДК ташхисланган беморлар гуруҳида микроРНК-122 ва -221 ифода даражасини молекуляр-генетик текширувлар орқали аниқлаш, сурункали вирусли гепатитлар асоратларининг ривожланиш хавфи маркери сифатида уларни ифода миқдори натижалари хавф гуруҳларини шаклантиришга ва башорат қилишга қаратилган прогностик маркер сифатида ташхислаш жараёнида қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу борада «...кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш. Жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини

шакллантириш...»¹ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги ревматологик касалликларни тарқалиши, клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали хасталиклар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон - 2030» фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислоҳатларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². РА да коморбид ҳолатларнинг клиник, биокимёвий ва иммуногенетик хусусиятларини баҳолашга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда, шу жумладан: American College of Rheumatology (АҚШ), American Association for the Study of the Liver (AASLD) (АҚШ), Oxford University (АҚШ), University of California (АҚШ), Weill Cornell medical college of Cornell University (АҚШ), University of Pittsburgh cancer Institute (АҚШ), Department of public health Sciences (АҚШ); Harvard Medical School (АҚШ), University of Melbourne (Австралия), Paulista University (Бразилия), Universitat de Barcelona (Испания), Imperial College London (Буюк Британия), University of Edinburgh (Буюк Британия), University Hospital of Nancy (Франция), University of Zurich (Швейцария), University of Copenhagen (Дания), Seoul National University (Корея), Сеченов номидаги Москва давлат биринчи тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Қозон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Харьков тиббиёт миллий университети (Украина), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбаалар.

РАда жигар патологияларининг намоён бўлишига турли патогенетик механизмлар - иммун, эндотелиал дисфункция, цитокин, гормонал мувозанатнинг шаклланиши, қон ивиши ва тромбоцитлар агрегациясининг бузилиши, турли органлар ва тизимларга салбий таъсир кўрсатиш билан кечадиган суяк ва бириктирувчи тўқима матрикси деградациясининг ривожланиши сабаб бўлиши мумкин. Бу борада бир қатор тадқиқотлар амалга оширилишига қарамасдан, РА да ЖСДК нинг илк бор юзага келиши хусусиятлари ёшга, касаллик фаоллигига, бошқа клиник кўрсаткичларга ҳамда муайян молекуляр-генетик маркерларга боғлиқлик жиҳатлари ҳали ҳам етарли даражада ўрганилмаган. РА да жигар зарарланишининг муҳим прогностик маркери сифатида микроРНК лар бугунги кунда дунё миқёсида тан олинмоқда ва уларнинг РА да жигар зарарланишига таъсири бўйича тадқиқотлар ҳали ҳам давом этмоқда. Ҳозирги вақтда аутоиммун ва сурункали яллиғланиш касалликларида жигарнинг иммун жавобини модуляция қилишдаги муҳим ролини тасдиқловчи бир қатор маълумотлар мавжуд [Selmi C, Mackay I.R., Gershwin M.E. (2017) The immunological milieu of the liver. *Semin Liver Dis* 27:129–139]. Шунга қарамасдан, РА да жигар шикастланишининг патогенези ҳали ҳам мукамал ўрганилмаган. Шикастланган жигарнинг гистопатологик таҳлилида кўпинча Купфер ҳужайраларининг гиперплазияси, марказий бўлакчаларда липофуциннинг кўпайиши, портал йўлларда яллиғланиш ҳужайралари инфилтрацияси каби умумий, яъни носпецифик ўзгаришлар аниқланади [Chentoufi A.A., Serov Y.A., Alazmi M., Baba K. (2014) Immune components of liver damage associated with connective tissue diseases. *J. Clin.Transl.Hepatol* 2(1):37–44]. Бундан ташқари, ишқорий фосфатазанинг чегараланган ортиши жигар ёки бўғимларнинг зарарланиши натижасида юзага келишини аниқлаштириш истиқболли тадқиқотларни талаб қилади.

Халқаро миқёсда РА ли беморларда жигар касалликлари ҳамроҳ кечишининг клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: РА ташхисли беморларда профибротик таъсирга эга бўлган микроРНК 221 нинг жигарнинг зарарланиши ва бўғим-вицерал шикастланишларнинг маркери ҳамда РА да сурункали вирусли гепатит ва жигарнинг ноалкогол ёғ хасталиги (ЖНАЁХ) ташхисли беморларда микроРНК-122 экспрессия даражаси чегараларини молекуляр-генетик текширувлар орқали ревматологик ва гепатологик шикастланиш белгилари ривожланишининг маркери сифатида прогнозлаш; хавф гуруҳларини шакллантириш, башорат қилиш ва мажмуавий ташхислашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қатор мамлакатларида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар РА да жигарнинг вирусли ёки аутоиммун касалликлари, ЖНАЁХ ва ревматологик касалликларни даволашнинг токсиклиги натижасида жигар шикастланишининг кечиши тавсифи, унинг ривожланиш тезлиги, ГЦҚнинг юзага келишининг хавф омилларини янги маркерларни излаш прогнозлашда алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, иммуносупрессив воситаларнинг асосий вирусли

инфекцияларга, хусусан, вирусли гепатитга ҳамда жигар тўқимасига таъсирини ўрганиш муҳимдир. Chrong-Reen Wang, Hung-Wen Tsai ва ҳаммуалифлар (World Journal of W J G Gastroenterology June 21; 28(23): 2527-254) фикрларига кўра, РА да жигар зарарланишининг оғирлигини холестатик жигар ферментлари, ноинвазив усулда жигарнинг қаттиқлигини ўлчаш орқали ҳамда генетик тадқиқотлар ёрдамида баҳолаш мумкин. Ушбу мақсадда вибрацион ўтувчи ва силжиш тўлқини эластографияси ёки магнит-резонанс эластография усулларида кенг фойдаланимоқда.

Шунингдек, ушбу йўналишда эпигенетика соҳасида катта истиқболлар очилмоқда. Умумий ишлар орасида бир нуклеотидли полиморфизмлар, эркин циркуляцияланувчи ДНК, эндосомал РНКлар ва уларнинг турли касалликлар патогенезидаги аҳамиятини ўрганиш муҳим ўрин тутди (Волошина Н.Б., 2018; Балмасова И.П., 2019). 2002 йилда микроРНК-122 (miR-122)ни кашф этилиши уни кластерининг функционал хусусиятлари нуқтаи-назаридан гепатология соҳасидаги муҳим воқеага айланди (А.В. Баранов, 2009).

Аксарият изланишларда сурункали В ва С гепатитлари, гепатоцеллюлар карцинома (ГЦК), жигарнинг алкоғолсиз ёғли дистрофияси каби жигарнинг турли патологиялари мавжуд беморларнинг алоҳида гуруҳларида miR-122 ни ўрганиш натижалари келтирилган (Каримов И.Ш., Парпибаева Д.А., 2021). Афсуски, ушбу маълумотларни таққослаш мураккаб бўлиб уларда РА билан коморбид кечишидаги хусусиятлари ўрганилмаган ва турли эталонли РНКдан фойдаланилган. Шу билан бирга, РА ва ЖСДКда miR-122 миқдорини қиёсий таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирда РАда жигар зарарланиши мавжуд бўлса, бу унинг жигар кўриниши эканлиги, бирламчи жигар касаллиги ёки РА даволаш пайтида ривожланган дори воситалари натижасида индуцирланган жигарнинг токсик зарарланиши эканлигини аниқлаш қийин бўлиб, гепатобилиар тизим касалликларини ўз вақтида ташхислаш ва даволаш, фиброзни эрта ташхислаш ҳамда кечишини барқарорлаштириш муаммоси ўта долзарблигича қолмоқда. Уни ўрганиш зарурияти ЖСДК ревматоид артритнинг кечиши ва асоратлари ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун бу соҳада қонда айланиб юрган микроРНК кўрсаткичларини аниқлаш ушбу коморбид патологияда жигар ва бўғимлар зарарланишини клиник-патогенетик, диагностик баҳолашнинг аниқлигини оширади ва кейинги босқичлари хавф гуруҳларининг стратификацияси жараёнида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимизда РА ва ЖСДК нинг оқибатларини ривожланишини башоратлашни янги инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Булар ёрдамида касалликнинг асоратлари келиб чиқиш хавфини ташхислаш, компенсация даврини узайтириш, келиб чиқадиган эрта ногиронликнинг олдини олиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имкони яратилади.

Диссертация мавзусини тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800229 “Ички касалликларни ташхислаш ва даволаш

самарадорлигини оширишнинг янги йўллари кидириш. Профилактиканинг рационал йўллари” мавзуси доирасида бажарилган (2021-2024й).

Тадқиқот мақсади ревматоид артрит билан оғриган беморларда жигар сурункали диффуз касалликларининг ривожланишини башоратлаш, уларнинг кечиш оғирлигини клиник, лаборатор, асбобий ва эпигенетик тадқиқотлар асосида баҳолаш ва уни ташхислашда услубий ёндашувларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ревматоид артрит билан оғриган беморларда асосий коморбид патология сифатида жигарнинг сурункали диффуз касалликлари клиник-патогенетик турлари ҳамда уларнинг учраш даражасини таҳлил қилиш;

ревматоид артритда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари ривожланиш ва кечиш хусусиятларини асосий касалликнинг давомийлиги ва фаоллигига боғлиқлигини баҳолаш;

ревматоид артритда жигар сурункали диффуз касалликларининг кечиш хусусиятларини баҳолашда муҳим клиник, лаборатор, асбобий текшириш усуллари натижалари мажмуавий таҳлилинини ўтказиш;

ревматоид артритда умумклиник кўрсаткичларнинг жигарда фибротик жараёнлар ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишда ноинвазив ташхислаш ва башоратлаш усули сифатида микроРНК-122 ва - 221 ифода даражасини аниқлаш;

ревматоид артритли беморларда микроРНК-122 ва - 221 ифода даражаси кўрсаткичлари асосида ревматоид артрит ва жигарнинг сурункали диффуз касалликлари ривожланиш хавфини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларнинг жигарда фибротик ўзгаришларнинг шаклланиши ҳамда зўрайиш механизмларига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

ревматоид артрит билан касалланган беморларда жигар сурункали диффуз касалликларини эрта ташхислаш ва асоратлар хавфини башоратлашда клиник ёндашувларни такомиллаштириш асосида ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2021-2024 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ревматология, артрология ва кардиоревматология, умумий терапия, гепатология бўлимлари ҳамда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази гепатология бўлимида сурункали вирусли гепатит ташхиси билан амбулатор ҳамда шифохона шароитида даволанган ревматоид артрит билан касалланган 346 бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида ревматоид артрит билан касалланган беморлар қони, қон зардоби, ультратовуш эластографияси (УТЭ), қон плазмасидаги микроРНК-122 ва - 221 ифода даражаси, қонда гепатит С вируси РНК ва гепатит В вируси ДНК полимераза занжири реакцияси (ПЗР) билан текширув маълумотлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник (умумий қон таҳлили), биокимёвий (АЛТ, АСТ, ишқорий фосфатаза, умумий оқсил, билирубин, ва

унинг фракциялари, глюкоза миқдори, умумий холестерин, триглицеридлар, паст зичликдаги липопротеинлар миқдори (ПЗЛМ), асбобий ультратовуш текшируви (УТТ), УТЭ, молекуляр-генетик (микроРНК-122 ва - 221 ифода даражаси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

ревматоид артритда жигар зарарланишининг бир қатор муҳим хусусиятлари, хусусан жигарнинг бирламчи шикастланиши аниқланмаган беморларда асосий касаллик давомийлиги жигарнинг токсик зарарланиши хавфи билан тўғри боғлиқлиги аниқланган. ЖСДК ривожланиши, жигар тўқимасида фиброз шаклланиш хавфини ревматоид артрит фаоллиги кўрсаткичлари билан боғлиқлиги исботланган;

ревматоид артритда бўғим синдромининг ифодаланиш даражаси ҳамда жигар дисфункцияси яллиғланиш олди цитокинлари фаоллашуви даражаси, циклик цитрулинланган пептидга қарши антитана (АЦЦП), С-реактив оқсил (СРО), ревматоид омил (РО) ва биокимёвий таҳлиллар билан боғлиқлиги аниқланган;

ревматоид артритда жигар зарарланиши ривожланиши, фиброз тўқима шаклланиши хавфи бор беморларнинг текшириш стандартига молекуляр-генетик усулларни жорий қилиш ёрдамида касаллик асоратларининг ривожланишига мойил беморлар тоифасини стратификациялаш имконияти асосланган;

ревматоид артрит ва жигарнинг сурункали диффуз касалликларининг ривожланиш, авж олиш даражаси, фиброз босқичларининг клиник-биокимёвий, эластрография натижалари билан молекуляр-генетик кўрсаткичлари сифатида микроРНК-122 ва - 221 ифода даражаси диапазони боғлиқлиги аниқланган;

ревматоид артритда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари мавжуд беморларда микроРНК-122 ва 221 ифода даражасини аниқлаш касалликнинг эрта ташҳислаш ва башоратлаш мезонлари сифатида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилар:

ревматоид артрит билан оғриган беморларда жигар фаолиятини баҳолашда молекуляр – генетик, клиник-биокимёвий ва асбобий тадқиқотлар натижалари ҳамкор патологиянинг кечиши баҳоланган;

ревматоид артрит ва жигар касаликлари билан касалланган беморларда микроРНК-122 ва 221 экспрессия диапазонининг тўрт хил даражаси жигар шикастланиши ва фиброз тўқима ривожланишида муҳим ўрин эгаллаганлиги аниқланган;

микроРНК-122 ва 221 нинг ревматоид артрит билан оғриган беморларда жигар сурункали диффуз касалликлари асоратлари ривожланишини башоратлаш самарадорлигини ошириш имконияти асосланган;

ревматоид артрит ва жигар сурункали диффуз касалликлари коморбид кечган беморларда асоратлар ривожланиш хавфи бор беморларнинг текшириш стандартига молекуляр-генетик текширувларни жорий қилиш орқали нафақат касаллик асоратлари ривожланишини башоратлаш ва эрта

ташхислашни такомиллаштириш, шу жумладан даволаш самарадорлигини ошириб, касалликнинг кечиш оғирлигини камайтириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, асбобий, молекуляр-генетик ва статистик усуллар асосида ревматоид артритга чалинган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари ривожланиши, клиник кечиши, асоратларининг юзага келишини прогностик баҳолаш такомиллаштирилганлиги, ҳалқаро ҳамда маҳалий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ревматоид артрит билан касалланган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари ривожланиши, клиник кечиши ва асоратларнинг ривожланишига прогностик маркер сифатида микроРНК-122 ва -221 ифода даражасининг муҳимлиги ва асоратлар ривожланиш хавфи мавжуд бўлганда текшириш стандартига эпигенетик усулларни киритилиши уларда асоратлар ривожланиш хавфини камайтириши, бу эса эрта ногиронлик, ўлим кўрсаткичларининг пасайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши касаллик авж олишини секинлаштиришга ва асоратлар хавфини камайтиришга олиб келиши билан ифодаланиб, ушбу натижалар ёрдамида, содир бўлиши мумкин бўлган ўлим ҳамда эрта ногиронликни ривожланишининг олдини олишга, шунингдек ревматоид артритли беморларда жигар фиброзининг кучайиши ва жигар циррозининг шаклланишигача бўлган даврни узайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ревматоид артритга чалинган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликларининг ривожланишининг, кечишининг клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг аҳамиятини баҳолаш натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: ревматоид артритда жигар зарарланишининг бир қатор муҳим хусусиятлари, хусусан жигарнинг бирламчи шикастланиши аниқланмаган беморларда асосий касаллик давомийлиги жигарнинг токсик зарарланиши хавфи билан тўғри боғлиқлиги ҳамда ЖСДК ривожланиши, жигар тўқимасида фиброз шаклланиш хавфини ревматоид артрит фаоллиги кўрсаткичлари билан боғлиқлиги исботланганлиги Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси 27.10.2023 йилдаги 108-сонли ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 24.10.2023 йилдаги 335-А/Ғ-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 3-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ревматоид артрит ва жигарнинг сурункали диффуз

касалликлари хамкор кечган беморларда жигарда юзага келган ўзига хос тузилмавий бузилишларни эрта ташхислаш ва башоратлаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: жигарда юзага келган ўзига хос тузилмавий бузилишларни эрта ташхислаш ва башоратлаш орқали беморларнинг стационар даволаниш кунларини камайишига, ташхислашга ҳамда даволашга кетадиган маблағни тежалишига эришилган. Хулоса: ревматоид артритда жигарда диффуз бузилишлар мавжуд беморларнинг тақдирини башоратлаш ва ўз вақтида ташхислаш натижасида саломатлигига, меҳнатга лаёқатлилиги даврини ва ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини узоқ муддатга сақлаб қолишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: ревматоид артритда бўғим синдромининг ифодаланиш даражаси ҳамда жигар дисфункцияси яллиғланиш олди цитокинлари фаоллашуви даражаси, циклик цитрулинланган пептидга қарши антитана (АЦЦП), С-реактив оксил (СРО), ревматоид омил (РО) ва биокимёвий таҳлиллар билан боғлиқлиги аниқланганлиги Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси 27.10.2023 йилдаги 108-сонли ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 24.10.2023 йилдаги 335-А/Ғ-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 3-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ревматоид артрит ва жигарнинг сурункали диффуз касалликлари хамкор кечган беморларда жигарда юзага келган бузилишларни яллиғланиш кўрсаткичлари аниқлаш орқали эрта ташхислаш ва башоратлаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: бўғим синдромининг ифодаланиш даражаси ҳамда жигар дисфункцияси яллиғланиш олди цитокинлари фаоллашуви даражаси эрта ташхислаш орқали беморларнинг стационар даволаниш кунларини камайишига, ташхислашга ҳамда даволашга кетадиган маблағни тежалишига эришилган. Хулоса: ревматоид артритда жигарда диффуз бузилишлар мавжуд беморларнинг яллиғланиш кўрсаткичлари аниқлаш ўз вақтида ташхислаш натижасида саломатлигига, меҳнатга лаёқатлилиги даврини ва ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини узоқ муддатга сақлаб қолишга, ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: ревматоид артритда жигар зарарланиши ривожланиши, фиброз тўқима шаклланиши хавфи бор беморларнинг текшириш стандартига молекуляр-генетик усулларни жорий қилиш ёрдамида касаллик асоратларининг ривожланишига мойил беморлар тоифасини стратификациялаш имконияти асосланганлиги Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси 27.10.2023 йилдаги 109-сонли ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 24.10.2023 йилдаги 336-А/Ғ-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 3-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: РА га чалинган беморларда жигар фаолиятини баҳолашда молекуляр – генетик, клиник-биокимёвий ва асбобий тадқиқотлар натижалари муҳимлиги исботланган; Иқтисодий самарадорлик: ревматоид

артритда жигарда юзага келган ўзига хос тузилмавий бузилишларни эрта ташхислаш ва башоратлаш орқали беморларнинг стационар даволаниш кунларини камайишига, ташхислашга ҳамда даволашга кетадиган маблағни тежалишига эришилган. Хулоса: ревматоид артритда жигарда диффуз бузилишлар мавжуд беморларнинг тақдирини башоратлаш ва ўз вақтида ташхислаш натижасида саломатлигига, меҳнатга лаёқатлилиги даврини ва ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини узоқ муддатга сақлаб қолишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келди, ногиронлик ва ўлим хавфини камайтириш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: ревматоид артрит ва жигарнинг сурункали диффуз касалликларининг ривожланиш, авж олиш даражаси, фиброз босқичларининг клиник-биокимёвий, эластрография натижалари билан молекуляр-генетик кўрсаткичлари сифатида микроРНК-122 ва - 221 ифода даражаси диапазони боғлиқлиги аниқланганлиги Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси 27.10.2023 йилдаги 109-сонли ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 24.10.2023 йилдаги 336-А/Ғ-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 3-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: РА ва ЖСДК ҳамкор кечган беморларда асоратлар ривожланиш хавфи бор беморларнинг текшириш стандартига молекуляр-генетик текширувларни киритиш орқали касаллик асоратлари ривожланишини прогноз қилиш ва эрта ташхислашни такомиллаштириш тавсия этилган. Иқтисодий самарадорлик: ревматоид артритда жигарда юзага келган ўзига хос тузилмавий бузилишларни молекуляр генетик текширишлар орқали эрта ташхислаш ва башоратлаш беморларнинг стационар даволаниш кунларини камайишига, ташхислашга ҳамда даволашга кетадиган маблағни тежалишига эришилган. Хулоса:ревматоид артритга чалинган беморларда микроРНК 122 ва 221 экспрессияси туфайли жигарда юзага келган ўзига хос диффуз бузилишларни эрта муддатларда аниқлаш, клиник, лаборатор усуллар ёрдамида жигарда фиброз тўқима ривожланишини башоратлаш ва ташхислаш даволашнинг эрта бошланишига сабаб бўлиш имконини беради.

бешинчи илмий янгилик: ревматоид артритда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари мавжуд беморларда микроРНК-122 ва 221 ифода даражасини аниқлаш касалликнинг эрта ташхислаш ва башоратлаш мезонлари сифатида асосланганлиги Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси 27.10.2023 йилдаги 109-сонли ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 24.10.2023 йилдаги 336-А/Ғ-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 3-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ревматоид артритга чалинган беморларда микроРНК 122 ва 221 экспрессияси туфайли жигарда юзага келган ўзига хос диффуз бузилишларни эрта муддатларда аниқлаш, клиник, лаборатор усуллар ёрдамида жигарда фиброз тўқима ривожланишини башоратлаш ва ташхислаш даволашнинг эрта бошланишига сабаб бўлиб, касаллик кечиш

муддатини қисқартиради, тузалишни тезлаштиради. Иқтисодий самарадорлик: ревматоид артритда жигарда юзага келган ўзига хос тузилмавий бузилишларни молекуляр генетик текширишлар орқали эрта ташхислаш ва башоратлаш беморларнинг стационар даволаниш кунларини камайишига, ташхислашга ҳамда даволашга кетадиган маблағни тежалишига эришилган. Хулоса: ревматоид артритга чалинган беморларда микроРНК 122 ва 221 экспрессияси туфайли жигарда юзага келган ўзига хос диффуз бузилишларни эрта муддатларда аниқлаш, клиник, лаборатор усуллар ёрдамида жигарда фиброз тўқима ривожланишини башоратлаш ва ташхислаш даволашнинг эрта бошланишига, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни олдини олишни муқобиллаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий -амалий анжуманда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тақдим этилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари баён этилган, Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларини ривожланишининг муҳим йўналишларига мувофиқлиги қайд этилган, шу билан бир қаторда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг ишончлилиги кўрсатилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Ревматоид артритда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари ҳамкор кечиши муаммолари ва унинг ечимига замонавий ёндошувлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланувчи биринчи бобида тизимли касаллик - ревматоид артрит ва жигар шикастланиши ривожланиши, патогенези, клиник кечишининг асосий бўғинларига бағишланган яқин ва узоқ хорижий давлатлардаги мавзуга оид муҳим ва замонавий тадқиқотлар маълумотларининг назарий жиҳатларини ўз ичига олган адабиётлар асосида таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган. РА га чалинган беморларда ҳамкор

патология сифатида намоён бўлган жигар сурункали диффуз касалликларининг асосий клиник ва патогенетик турлари тарқалиши артофлича ёритилган. РАга чалинган беморларда ЖСДКнинг клиник кечиши оғирлигини баҳолаш ҳамда жигар функцияси бузилишини мониторинг қилиш бўлимида мазкур касалликларнинг клиник кечиши ҳақидаги маълумотлар таққослама таҳлили маълумотлари келтирилган. РА ва жигарнинг ЖСДК га чалинган беморларни ташхислашда замонавий ёндашувлар бўлимида ушбу ҳолатларда мавжуд ташхислаш усулларининг, жумладан қон, қон зардоби таҳлили, асбобий текширувлар, хусусан жигар эластографияси каби текширув усуллари батафсил ёритилган, бу усулларнинг авзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган масалалари аниқланган. Эпигенетик усулларнинг РАга чалинган беморларда ЖСДКнинг клиник кечишини баҳолаш ва башоратлашдаги имкониятлари бўлимида ушбу тоифадаги беморларда жигар шикастланишини эрта ташхислаш учун қўлланиладиган молекуляр-генетик усуллар жумладан микроРНК ларнинг муҳим аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот субъектларининг клиник хусусиятлари ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида РА да ҳамкор патология сифатида жигар сурункали диффуз касалликлари намоён бўлган беморларнинг клиник тавсифи, жигарнинг клиник-функционал ҳолатини аниқлаш, умумклиник ва биокимёвий таҳлиллар, молекуляр генетик текширув усуллари бўйича умумий маълумот, шунингдек статистик таҳлиллар тўлиқ баён этилган.

Тадқиқотга РА билан ташхисланган ва ҳамкор патология сифатида жигар шикастланишлари аниқланган, шифохона ва амбулатор шароитда даволанган 346 нафар бемор киритилди.

Тадқиқотимиз 2 босқичда олиб борилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичи 346 нафар РА билан хасталанган беморлар орасидан жигар касалликлари ҳамкор кечган субъектларнинг тарқалиш кўлами, ижтимоий-демографик ва клиник хусусиятлари аниқланди ва улар орасидан тадқиқотга киритилиш мезонларига мувофиқ кўрсаткичларни қайд этган беморлар ажратиб олинди. Тадқиқотнинг 2-босқичида умумий беморлардан ажратиб олинган субъектлар ҳамкор патология турига ва бошқа клиник хусусиятларига кўра 3 кичик гуруҳларга табақалаштирилди ҳамда РА да ЖСДК кечишининг молекуляр-генетик ва клиник-патогенетик хусусиятларининг очиқ истиқболли қиёсий таҳлиллари ўтказилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида асосан ЖСДК аниқланган РА га чалинган 346 нафар беморлардан 148 нафари ажратиб олинди, асосий гуруҳларига қамраб олинди ва коморбид патология турига кўра ҳамда демографик, клиник кўрсаткичлар бўйича белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ушбу умумий 148 нафар беморлар ($n=148$) 3 гуруҳга табақалаштирилди: 1-гуруҳга РА ва сурункали вирусли гепатит ташхисли ўртача ёш кўрсаткичи $39,3\pm 4,6$ йил бўлган 21 нафар ($n=21$) беморлар киритилган бўлиб, улар орасида эркаклар сони 6 (18,4%) ни ва аёллар 15

(81,6%) ни ташкил этди. 2-гуруҳни РА ва жигарнинг ноалкогол ёғ хасталиги (ЖНАЁХ) мавжуд 46 нафар ($n=46$) ўртача ёш кўрсаткичи $44,3\pm 4,7$ йил бўлган беморлар қамраб олиниб, улар орасида эркаклар сони 17 (36,95%) ни ва аёллар 29 (63,09%) ни ташкил этди. РА да ЖСДК мавжуд бўлмаган, яъни жигарнинг бирламчи патологиялари аниқланмаган 81 нафар ($n=81$) ўртача ёш кўрсаткичи $46,3\pm 3,7$ йил бўлган беморлар 3-гуруҳга киритилди, улар орасида эркаклар сони 9 нафарни (11,1%) ни ва аёллар 72 нафар (88,8%) ни ташкил этди.

Беморларни текшириш қуйидаги кетма-кетликда олиб борилди: клиник теширувлар - шикоятлар, тиббий тарих йиғилди (анамнез), кўрик ўтказилди, касалликнинг оғирлик даражаси баҳоланди ва лаборатория текширувлари, умумий ва биокимёвий қон таҳлили, УТТ, рентгенологик таҳлиллар, кўрсатмалар бўйича ёндош мутахассислар маслаҳатлари амалга оширилди. Лаборатория текширувлари периферик қоннинг гематологик текширувлари; биокимёвий кўрсаткичлар: умумий оксил ва унинг фракциялари, билирубин, трансминазалар, глюкоза миқдори; қоннинг ивиш тизими ҳолатини аниқлаш; қон ва сийдикнинг умумий таҳлилинини ўз ичига олди. Барча лаборатория текширувлари стандарт усулларда амалга оширилди.

Тадқиқотга жалб қилинган барча беморларда қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ «MINDRAY DC-80, 21,5» аппарати ёрдамида ўтказилди ва ультратовушли эластометрия (жигарни фибросканерлаш) FibroScan®502 Touch аппарати ёрдамида жигар фибрози даражасини аниқлашнинг ноинвазив усулидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг эпигенетик таҳлиллари Ўзбекистон Республикаси Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “GenoTechnologya” маъсулияти чекланган жамияти лабораторияси негизида олиб борилди. Ҳар бир қон намуналаридан қон зардобини ажратиш, ҳақиқий вақтда ПЗР ёрдамида РНК миқдорини аниқлашда қўлланилди. Етук микроРНКларнинг бир қисмини ўз ичига олган қон плазмасидан умумий РНКни ажратиб олиш ишлаб чиқарувчининг протоколига мувофиқ “Рибо-преп” (Роспотребнадзор, Россиянинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаси назорати ва инсон фаровонлиги федерал хизматлари “Марказий эпидемиология илмий-тадқиқот институти”) тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот мобайнида олинган маълумотлар Windows XP учун «STATISTICA 6.0» дастурий тўпламларидан фойдаланган ҳолда параметрик ва параметрик бўлмаган тадқиқот усуллари, шунингдек, «Microsoft Office Excel-2010» электрон жадваллари ёрдамида, Prism (Graphad) дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилган статистик қайта ишловдан ўтказилди. Миқдорий хусусиятлар учун маълумотлар медианалар ва интерквантиль оралиғи (25 ва 75 фоиз) сифатида тасвирланган, бундан кейин Me [25; 75], шунингдек ўртача ва стандарт оғиш ёрдамида кўрсатилган. Миқдорий ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун Пирсоннинг чизиқли корреляцияси (r) коэффициентлари (ўзгарувчининг нормал тақсимланишида) ва Спирменнинг даражали корреляцияси (ўлчанган миқдорларнинг қийматларини тенг тақсимланмаган ҳолда) ишлатилган. Фарқлар $P < 0,05$ да

ишончли ҳисобланади. Молекуляр-генетик текширувнинг барча статистик таҳлиллари OpenEpiV9.2 тўплами, Case-Control моделини қўллаш орқали амалга оширилди. Тоифаланган турдаги маълумотларни статистик таҳлил қилишда Хи-квадрат тестидан фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шахсий тадқиқотлар натижалари. Ревматоид артрит ва ҳамкор патология сифатида жигарнинг сурункали диффуз касалликлари мавжуд беморлар умумий тавсифи, клиник-лаборатор таҳлил натижалари**» деб номланиб, РА билан хасталанган ва ҳамкор сифатида жигар патологиялари аниқланган беморларнинг умумий тавсифи, умумклиник ва биокимёвий таҳлил натижалари келтирилган.

Шуни қайд этиш керакки, “Ревматоид артритга чалинган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари тарқалганлиги ва клиник кечиш тавсифи” қисмида РА ташҳисли беморларда жигар патологиялари мавжудлигини аниқлаш мақсадида 346 нафар беморларда ўтказилган текширув натижалари қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот илк босқичига қамраб олинган беморларнинг ижтимоий-демографик ва клиник тавсифи

Т/р	Кўрсаткичлар	Қийматлар	
		n	%
1	Беморларнинг ўртача ёши (йил)	46,0±9,5	
2	Аёллар	292	84,39
3	Эркаклар	54	15,6
4	Асосий касаллик давомийлиги (йил)	6,4±2,2	
5	Ревматоид омил ижобийлиги	283	81,7
6	АЦЦП аниқланиши	314	90,7
7	Бўғим шикастланиши рентгенологик босқичи		
	I	59	17,05
	II	132	38,15
	III	155	44,79
8	Базис препаратлар (метатрексат) қабул қилган беморлар	287	82,94
9	НЯҚВ қабул қилган беморлар	239	69,07
10	ГКС қабул қилган беморлар	169	48,84
11	ВАШ бўйича оғриқ (мм)	6,5±3,2	
12	Эритроцитлар чўкиш тезлиги, мм/с	31,7±8,5	
13	С-реактив оқсил миқдори, мг/л	28,3±10,6	
14	DAS 28	5,9±3,3	
15	Паст фаолликда кечган (DAS28 >2,6<3,2),	41	11,84
16	Ўртача фаолликда (DAS28 3,2-5,1)	92	26,58
17	Юқори фаолликда (DAS28 >5,1)	213	61,56

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида асосан ЖСДК аниқланган РА га чалинган 148 нафар бемор ажратиб олиниб, ҳамроҳ патология турига кўра ҳамда демографик, клиник параметрлар бўйича 3 гуруҳга табақалаштирилди. Ушбу гуруҳларда жигар шикастланишининг клиник кечиши ўзига хос хусусиятларини ўрганилди. Ушбу гуруҳларнинг барчасида аёллар ва эркеклар нисбати таҳлил қилинганда аёллар сони устунлик қилди, яъни эркеклар 32 нафар (21,62%) ва аёллар 116 нафар (78,37%) ни ташкил этди. Ёш таҳлили ЖССТ тавсиясига мувофиқ, 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар (n=83 (56,0%)) бошқа ёш категориясига қараганда устунлик қилди. Шунингдек, бизни ёшга қараб касалликнинг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш ўзига жалб этди.

Бундан ташқари асосий касаллик кечиш давомийлиги бўйича ҳам таҳлил қилинди. Аксарият ҳолларда ушбу беморларнинг асосий қисмида РА давомийлиги 5 йилдан 10 йилгача бўлган – (n=72) 48,64%. Бунда, беморларнинг асосий касаллиги СВГ, ЖНАЁХ билан ассоциирланиши ҳолатига қараб гуруҳларга тақсимланиши тахминан 12 нафар (57,14%) ва 29 нафар (63,04 %) ни ташкил қилди. Бу натижалар РА ва жигар патологияларининг ҳамкор кечиши кўпинча ёш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли, жумладан фертиль ёшдаги аёллар орасида учрашини ва адабиётлардаги статистик маълумотларни тасдиқлайди.

Бундан ташқари тадқиқот давомида текширилаётган беморлар гуруҳларида ЖСДК га хос бўлган асосий шикоятларни қиёсий баҳолаш ўтказилди ва улар қуйида келтирилган жуда ўзгарувчан натижаларни қайд этди (2-жадвалга қаранг).


2-жадвал

Текширилган беморларнинг жигарнинг сурункали диффуз касалликларига хос шикоятларининг хусусиятлари

Кўрсаткич	1-гуруҳ РА ва СВГ (n=21)	2-гуруҳ РА ва ЖНАЁХ (n=46)	3-гуруҳ РА ва ТГ (n=81)
Астеновегетатив белгилар	(13) 61,9%	(17) 36,9%	(28) 34,5%
Диспептик белгилар	(11) 52,3%	(19) 41,3%	(30) 37,03%
Оғриқ синдроми	(8) 38,09%	(14) 30,4%	(39) 48,1%
Сариқлик	(9) 42,8%	(18) 39,1%	(32) 39,5%
Тана вазни камайиши	(12) 57,1%	(5) 10,6%	(17) 20,9%

ЖСДК аниқланган РА ташхисли беморларда РА нинг бўғим ва бўғим-вицерал клиник шакллариининг тарқалганлиги таҳлилида, ҳар бир кичик гуруҳдаги беморларда жигарнинг зарарланиши РА бўғимдан ташқари шакли ривожланганлиги билан тесқари корреляцияланганлигини гувоҳи бўлдик, яъни биринчи ва иккинчи гуруҳларда жигардаги патологик ўзгаришларнинг


бошқа бир патогенетик омиллари мавжуд бўлсада, жигар паренхимаси шикастланишига РА нинг бўғимдан ташқари шакли сабаб бўлган беморлар кўпроқ фоизга эга бўлган (2-расм).



1-расм. Тадқиқот субъектларида жигар шикастланишининг ревматоид артрит клиник шакллари билан боғлиқлик хусусиятлари

Аксинча, РА га чалингандан муайян муддатдан сўнг жигар тўққимасида ўзгариш ривожланган беморлар гуруҳида РА нинг бўғимдан ташқари шаклининг улуши 18,5 % ни, бўғим шакли эса 81,48 % ни ташкил этганлиги аҳамиятлидир (1-расмга қаранг)

Асбоб-ускунавий текширувлар РА ва ЖСДК ҳамкор кечганда жигар тўққимасида фибротик ўзгаришлар босқичларини ва тарқалганлигини аниқлашга имкон берди, бунда беморларнинг биринчи кичик гуруҳда паренхима зичлиги ортишига энг катта прогрессивлиги бўлган беморларнинг сони устунлиги аниқланди.



2-расм. Беморларнинг фиброз босқичларига кўра тақсимланиши

Бунда, биринчи гуруҳда беморларнинг максимал миқдори (47,6%) F2 фиброз босқичида кузатилди, уларнинг сони 21 тадан 10 тани ташкил этди. Охирги босқич F3 фиброз даражаси ушбу гуруҳда 21 нафардан 6 беморда аниқланиши билан аҳамият касб этди. 2-гуруҳда ҳам бу кўрсаткичлар 1-гуруҳ натижаларига яқин бўлиб, энг юқори кўрсаткич F2 фиброз босқичида бўлган 16 нафар беморлар (34,7 %) эди. Учинчи гуруҳда беморларнинг максимал сони F1 фиброз босқичида 28 нафар эди (2-расмга қаранг).

Дислипидемик ўзгаришларнинг объектив клиник белгилари сифатида антропометрик кўрсаткичлардан тана вазни камайиши (ТВК) (%), тана вазни индекси (ТВИ) каби кўрсаткичлар бўйича таҳлил ўтказилганда тадқиқотдаги РА ва ЖНАЁХ ҳамкор кечган беморлар гуруҳи натижалари статистик аҳамиятли бўлди, яъни бу беморлар гуруҳида ТВК кузатилмаган, аксинча ТВИ ортиши аниқланган.

Ультратовуш текшируви натижаларига кўра гепатомегалия энг кўп (85,1 %) ҳолларда - 69 нафар 3-гуруҳ беморлар орасида аниқланди. Аммо қолган иккала гуруҳ беморлар орасида ҳам жигар ўлчамларининг катталаниши беморларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини ташкил қилди. Яъни, токсик гепатитлар билан кузатилган бу корреляция қолган икки гуруҳда ҳам мавжуд эди. Ультратовуш текшируви натижаларини қиёсий таҳлил қилинганда, ушбу тадқиқотда РА ли беморларда ЖСДК кечиш давомийлиги узайиши билан намоён бўлишининг ушбу касалликларнинг клиник белгилари кучайиши бўйича маълумотлар адабиётларда тасдиқланган (4-жадвал). Шундай қилиб, оғир босқичдаги фибротик ўзгаришларда ўртача ҳар учунчи беморларда жигар ўлчамларининг катталаниши қайд этилди.

Шундай қилиб, тақдим этилган маълумотлар РА ва ЖСДК ҳамкор кечган ҳолатларда ҳар иккала касалликнинг давомийлиги, фаоллиги, тана вазни динамикасидаги ўзгаришлар жигар тўқимасининг фибротик ўзгаришлари билан белгиланадиган мураккаб ташхисли беморларнинг юқори фоизини кўрсатади. Бундан ташқари, жигар тўқимасининг янада кўпроқ зарарланиши нафақат РА нинг энг юқори даражадаги фаоллиги, касалликнинг оғирроқ артикуляр-висцерал шакли бўлган беморларда қайд этилди, балки, жигарнинг бирламчи патологик ўзгаришларига боғлиқлиги аниқланди. Ушбу тоифа беморларга эрта ва тўғри ташхис қўйишдаги мураккабликлар юқоридаги ҳолатлар билан боғлиқ.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи лаборатория таҳлилларини ўтказиш бўлиб, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ва липид спектрининг РА да жигар тўқимасида фибротик ўзгаришлар ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишни ўз ичига олди.

Гуруҳлар кесимида олиб борилган таҳлил натижалари бўйича эса барча гуруҳдаги беморларда цитоллиз синдромини ифодаловчи АлАТ ва АсАТ миқдорини ошиши меъёр кўрсаткичларига нисбатан деярли 2 бараварида кузатилди: Умумий беморлар сонига нисбатан – 117 нафар (79,05%) беморда; ГГТП кўрсаткичининг ошиши: 31 нафар (20,94%) беморда; ИФ миқдорининг ошиши: 112 нафар (75,6%) беморда; тимол синамаси: асосий

гуруҳда – 73 нафар (49,3%) беморда; альбумин миқдорининг камайиши: 46 нафар (31,08%) беморда кузатилди. Бунда ИФ иккинчи ва учинчи кичик гуруҳларда биринчи гуруҳга нисбатан анча юқори бўлган ($P < 0,05$), гипоальбуминемия биринчи гуруҳ беморларида анча юқори даражада намоён бўлган ($p < 0,05$). Бошқа биокимёвий кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар орасида солиштира таҳлиллар натижаларида статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади. Ўртача кўрсаткич ($M \pm m$) 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

Беморларининг биокимёвий кўрсаткичларини қиёсий хусусиятлари

Асосий биокимёвий кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари			Меъёр кўрсаткичлари
	1-гуруҳ РА ва СВГ (n=21)	2-гуруҳ РА ва ЖНАЁХ (n=46)	3-гуруҳ РА ва медикаментоз гепатит (n=81)	
Умумий билирубин (мкмоль/л)	22,10±6,30	24,90±5,75	25,90±5,75	20,5 мкмоль/л гача
АлАТ (Б/л)	49,08±17,82*	52,85±16,76*	55,85±11,42*	А. 34 Е/л гача Э.45 Е/л гача
АсАТ (Б/л)	41,20±19,84	43,45±20,35	44,45±16,15	А. 31 Е/л гача Э.37 Е/л гача
ГГТП (Б/л)	41,20±18,20	46,80±15,73**	44,46±16,40**	А.7-32 Е/л Э.11- 50 Е/л
ИФ (Б/л)	128,50±49,20**	144,96±55,85***	140,96±45,65***	А.42- 105 Е/л Э.53- 115 Е/л
Тимол синамаси (Б)	5,01±1,29	6,20±1,02**	6,84±0,76**	5 ЕД гача
Умумий холестерин (ммоль /л)	4,63±0,60	8,46±0,80**	5,34±0,47	5 ммоль/л гача
Креатинин (мкмоль /л)	92,72±10,01	89,87±10,65	91,85±12,73	А.80-133 Е/л Э.62- 115 Е/л
Мочевина (ммоль /л)	6,10±1,31	5,32±1,45	7,82±1,55	1,7-8,3 Моль/л
Альбумин (г/л)	31,38±3,88*	36,09±2,84*	37,11±3,46*	А.38-47 Е/л Э.39-47 Е/л

Изоҳ: * - маълумотларга нисбатан фарқлар статистик аҳамиятли $P < 0,05$ (** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Беморларнинг барча гуруҳларида гуруҳида ЖСДК кечишининг, жумладан медикаментоз гепатитларнинг фаоллик даражаси ҳамда АлАТ, АсАТ ва тимол синамаси кўрсаткичлари ўртасида кучли бевосита корреляцион боғлиқлик аниқланган; ўртача корреляцион боғлиқлик СВГ ларнинг давомийлиги ва АлАТ, АсАТ, ГГТП ўртасида, гепатит активлиги даражаси ва умумий билирубин миқдори ўртасида аниқланган.

ГГТП ва тимол синамаси, шунингдек, ВАШ бўйича бўғимлардаги оғриқнинг яққол кўринганлиги ҳамда жигар фиброзининг АлАТ ва АсАТ миқдори билан биргаликда яққол кўринганлиги ўртасида; кучсиз корреляцион боғлиқлик ЖСДК давомийлиги ва умумий билирубин миқдори, тимол пробаси ўртасида, ЖСДК фаоллиги даражаси ва ИФ кўрсаткичи ўртасида, шунингдек, ВАШ бўйича бўғим оғригининг яққол кўринганлиги ва жигар фиброзининг (умумий билирубин, ГГТП, ИФ, тимол синамаси билан биргаликда ҳисоблаганда) даражаси ўртасида бўлган.

Ўртача тескари корреляцион боғлиқлик ЖСДК нинг давомийлиги ва альбумин миқдори ўртасида кузатилган; кучсиз тескари корреляцион қарамлик альбумин миқдори, ЖСДК фаоллик даражаси ва ВАШ бўйича бўғимлар оғригининг яққол кўринганлиги ўртасида кузатилган.

Шундай қилиб олинган натижаларга кўра жигар тўқимасининг шикастланиши давомийлиги, унинг фаоллиги, эластография маълумотлари бўйича жигар фибрози яққоллиги даражаси ва асосий биокимёвий кўрсаткичлар даражасининг ўзгаришлари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бунда жигарнинг хасталиклари қанча узоқ давом этса, фиброз ривожланиш даражаси шунча яққол кўринган бўлади ва у қанча фаол бўлса, билирубин, АлАТ, АсАТ, ГГТП, ИФ, тимол синамаси миқдори шунча юқори бўлади, ВАШ бўйича бўғимлардаги оғриқлар ҳамда албуминемия анча яққол кўринган бўлади. Албуминемия ўз навбатида тимол синамаси кўрсаткичлари билан корреляцияланади.

Шу билан бирга, тадқиқотимизнинг 2-гурухида 14 нафар (30,4 %) беморларнинг триглицеридлар даражасида 1- ва 3-гурухдаги беморларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли ўсиш кузатилди ($p < 0,001$). ЗЖПЛП ифодалари ўрганилганда ҳам шу сингари тенденция гувоҳ бўлдик, унинг даражаси текширилган беморларнинг 34 % ида референс қийматларга қараганда анча юқори бўлди ($p < 0,05$). Шу каби метаболик ўзгаришлар қолган гуруҳларда ҳам кузатилди, аммо статистик жиҳатдан муҳим фарқлар РА ва ЖНАЁХ мавжуд беморлар кўрсаткичларидан кам эди. Шундай қилиб, РА ва ЖСДК билан оғриган беморларнинг деярли учдан бир қисми ТГ ва ЗЖПЛП даражасининг ошиши кўринишида липид алмашинувининг бузилиш кўрсаткичларига эга бўлди ($p < 0,001$).

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, РА ва ЖСДК ҳамкор кечишида липидлар профилининг бузилиши ва жигарда цитоллиз даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ. Шуни таъкидлаш керакки, ферментлардаги ЗЮЛП даражаси трансминаза даражаси меъёрий кўрсаткичларни қайд этган беморларга қараганда паст эди ($p < 0,01$), бу ТВИ ортиши билан боғлиқ бўлди.

Метаболик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилида фибрознинг оғирлик даражасига кўра ЖСДК га боғлиқ холда холестериннинг ўзгариши бўлган беморларда холестериннинг сезиларли даражада паст концентрацияси қайд этилди ($p < 0,001$) (4-жадвал).

Беморларда фиброз босқичига кўра метаболик кўрсаткичларнинг қиймати

Кўрсаткичлар	ТВИ (кг/м ²)	ХС, ммоль/л	ТГ, ммоль/л	ЗЮЛП, ммоль/л	ЗПЛП, ммоль/л	ЗЖПЛП, ммоль/л
F0 (3,5-6,0) (n=30)	23,56±1,8	4,21±0,11	1,28±0,14	1,31±0,06	2,73±0,10	0,54±0,17
F1 (6,5-8,5) (n=45)	21,7±1,4	4,52±0,04**	1,23±0,41	1,41±0,15	2,43±0,11**	0,61±0,12
F2 (9-20) (n=46)	29,8±2,41	4,35±0,36	0,91±0,13**	1,47±0,0,3	2,48±0,07*	0,42±0,07
F3 (20-24) (n=27)	26,2±1,35	3,41±0,14**	0,94±0,03*	1,17±0,19*	2,21±0,06***	0,35±0,24

Изоҳ: * - маълумотларга нисбатан фарқлар статистик аҳамиятли $P < 0,05$
(** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Шундай қилиб, РА да ЖСДК ҳамкор кечганда фибрознинг ривожланиши моддалар алмашинуви, жумладан липидлар метаболизми бузилишларининг кучайишига олиб келади. РА сурункали гепатитлар билан ҳамкор кечган беморлар гуруҳидаги ТВИ референс қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилмади ($p > 0,05$). Аммо, 2-кичик гуруҳдаги беморларда ТВИ меъёр кўрсаткичларидан ортган пациентлар аниқланди. Кўпгина беморларда холестерин ($p < 0,001$) ва ЗЮЛП миқдори камайиши ($p < 0,01$) ҳамда триглицеридлар қийматларининг ортиши ($p < 0,05$) шаклида қон липид кўрсаткичлари бузилишлари мавжуд эди.

Ўзаро боғлиқликларни таҳлил қилиш моддалар алмашинувининг кўрсаткичларини биокимёвий кўрсаткичлар билан ва ультратовуш маълумотларига кўра жигар тўқимасининг зичлиги кўрсаткичлари билан кўплаб ишончли корреляцияларни аниқлади. Хусусан, ТВИ ёш, АЛТ, ИФ ва жигар зичлиги кўрсаткичлари билан корреляцияланди. Триглицеридлар ёш, холестерин, ЗПЛП ва аксинча - ЗЮЛП билан тўғридан-тўғри муносабатни кўрсатди, бу эса ўз навбатида цитолиз, холестаза белгилари билан тескари пропорционал боғлиқ эди.


Шундай қилиб, РА ва ЖСДК билан оғриган беморларнинг метаболик ўзгаришларини таҳлилида деярли учдан бир қисмида асосан триглицеридлар қийматларининг кўтарилиши кўринишидаги патологик оғишлар кузатилди. Барча гуруҳлардаги беморларда метаболик бузилишлар ўзини гипохолестеринемия, гипертриглицеридемия ёки альбумин миқдорининг пасайиши шаклида намоён бўлади, бу жигарнинг синтетик функциясининг пасайиши билан боғлиқ.

Диссертациянинг «Ревматоид артритга чалинган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликларининг коморбидлик хусусиятлари ва унинг ривожланиш омиллари» деб аталувчи тўртинчи бобида РА да жигар сурункали диффуз касалликларининг, клиник кечиши ва

уларнинг асоратлари ривожланиш тезлигига таъсир этувчи сабаблар ўрганилган. Барча беморларда касалликнинг маълум бир давомийлиги ва жигар касалликларининг асорати сифатида фиброз тўқима шаклланиши олиниб, унинг ривожланиш босқичига мос равишда фибрознинг прогрессивланиш тезлиги (ФПТ) ҳисоблаб чиқилди. Мазкур кўрсаткич фиброз босқичининг (балларда) касалликнинг давомийлигига (йилларда) боғлиқлиги сифатида жигарнинг эластография натижалари асосида аниқланди. Бунда биз 21 нафар СВГ ва РА ҳамкор кечган беморларни 46 нафар РА ва ЖНАЁХ ташхиси ҳамда 81 та РА ва медикаментоз гепатит ташхисли беморларнинг маълумотларини солиштириш орқали натижаларни таҳлил қилдик. Унга кўра биринчи гуруҳ беморларда ФПТ йилига ўртача 0,24 ва 0,22 баллни ташкил этди ва бу 2- ҳамда 3-гуруҳдаги беморларнинг балл кўрсаткичларига қараганда статистик аҳамияти катта бўлмаган қийматларда фарқланди ва бу беморларни мос равишда мавжуд кичик гуруҳларда, РА да жигар касалликлари коморбидлиги ҳолатида фибрознинг кучайишини тезкор (10 йилгача) ва секин (10 йилдан кўп) суръатини ажратиш имконини берди.

Фиброз ривожланишининг юқори даражаси эркак жинси билан боғлиқ. Жигар фиброзининг ривожланиб бориши билан турли хил функционал жигар тестлари кўрсаткичлари ўзгаради, бу **фибрознинг тўғридан-тўғри ва билвосита маркерларини фибропанел таркибига киритилиши лозимлигини тушинтиради**. РА СВГ лар мавжуд пациентларда жараённинг сурункалашуви ва кучайиши ушбу беморларда **РА фаоллиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир**. Жигар фиброзининг ошиши РА юқори фаолликда кечган шахсларда жадалроқ суръатларда амалга ошиши қайд этилди. Демак, РА да СВГ нинг мавжудлиги жигар тўқималарида яллиғланиш жараённинг фаоллик даражасига ва гепатитнинг сурункали даражасига таъсир қилмайди. РА да вирусли бўлмаган генезли жигарнинг сурункали диффуз касалликлари мавжудлиги ҳам жигарда фибротик ўзгаришларни сезиларли даражада прогрессивлаштиради, яъни фиброз жараёнларининг жадаллашуви учун этиологик омил эмас, жараённинг давомийлиги ҳал қилувчи рол ўйнайди деган хулоса қилишимиз мумкин.

Бундан ташқари лаборатор-биокимёвий таҳлиллар асосида ФПТ ва жигар трансaminaзала - АсАТ, АлАТ қийматлари ўртасида боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, жигарнинг оқсиллар алмашинувидаги функциясини баҳолашда ФПТ ва қон зардобидида аниқланган оқсиллар дисбаланси ўртасида боғлиқлик мавжудлиги кузатилди, бу айниқса глобулинлар концентрациясининг ошиши ҳамда албумин миқдорининг камайиши билан намоён бўлди. Бундан ташқари, “тезкор” тарзда ФПТ аниқланган беморлар қон зардобидида глобулиннинг ўртача қиймати $35,2 \pm 0,7$ ва фиброз “секин” прогрессивланаётган гуруҳдаги беморларнинг кўрсаткичлари ($32,6 \pm 1,1$) ўртасида статистик ишончли бўлмаган фарқланиш ҳам аниқланди. Бундан ташқари, фиброз авж олишининг ривожланиб бориши билан қондаги тромбоцитлар сонининг сезиларли даражада камайиши ва АЛТ ва АСТ фаоллигининг ошиши кузатилди (3-расм).



Изоҳ: АЛТ – аланинаминотрансфераза, АсАТ – аспартатаминотрансфераза; УБ – умумий билирубин миқдори; ББ – боғланган билирубин; ИФ – ишқорий фосфатаза; УО – умумий оқсил миқдори; Аль – альбумин миқдори; ТС – тимол синамаси; Тром – тромбоцитлар.

Статистик ишонччилик даражаси: * – $p < 0.05$; ** – $p < 0.01$; *** – $p < 0.001$; **** – $p < 0.0001$

3-расм. Фиброз прогрессивланиш тезлигига кўра лаборатор-биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили

Тадқиқот давомида аниқланган намуналар шуни кўрсатдики, СВГ ва РА ҳамкор кечган ҳолларда жигарнинг синтетик функцияси пасаяди, цитоллиз кучаяди, гепатобилиар тизимнинг бошқа аъзолари ҳам патологик жараёнда кўшилиб кетади, шунингдек бузилишларни билвосита тавсифловчи кўрсаткичлар - углевод ва липидлар алмашинувининг ўзгаришлари кузатилади.

РА ва СВГ лар билан коморбид ҳолатларда жигар фиброзининг ривожланиши алоҳида эътиборга муҳтождир. Кон биокимёвий таҳлиллар ва фиброскан натижалари фиброзни аниқлашда муҳим ўлчовлар ҳисобланади. АЛТ, АСТ, ГГТ, албумин, билирубин ва протромбин вақти каби кўрсаткичлар жигарнинг шикастланиш даражасини кўрсатди. Ушбу тоифа беморларда ултратовуш эластометрия натижалари эса жигар фиброзининг даражасини аниқлашда ва унинг ривожланишини кузатишда муҳим роль ўйнади.

Диссертациянинг «Ревматоид артритга чалинган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликларининг прогрессивланишининг эпигенетик таҳлил натижалари» деб номланувчи бешинчи бобида микроРНК-122 ҳамда 221 нинг экспрессияси миқдорини ўзгариши ўрганилган. ТТА кўп тармоқли клиникаси артрология ва ревматология, кардиоревматология, гепатобилиар касалликлар ва умумий терапия бўлимларида ҳамда Республика ЭМЮКИТИ гепатология бўлимида даволанаётган беморлар орасидан стационар даволанишга ётқизилган беморларда МикроРНК-122 ва 221 нинг патогенетик аҳамиятини ўрганиш учун 148 нафари олинди: улардан 21 нафари (14,18%) сурункали вирусли гепатит ташхиси билан 1-кичик гуруҳларга ва 46 нафари

(31,08%) РА ва ЖНАЁХ ташхиси билан 2-кичик гуруҳни ҳамда 81 нафари (54,7%) РА да жигарнинг иккиламчи шикастланиши билан қайд этилган беморлар бўлиб 3-кичик гуруҳни ташкил этди.

Генетик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “GenoTechnologiya” маъсулияти чекланган жамияти лабораторияси негизида (тиббиёт фанлари номзоди Ж.Д.Хўжахмедов ҳамда биология фанлари номзоди С.Кургановлар раҳбарлиги остида) олиб борилди.

МикроРНК-122 ва - 221 ифода даражаси РА да жигардаги диффуз касалликлари бўлган беморлардан олинган қон намуналарида аниқланди. Тадқиқотнинг биринчи босқичи таҳлил қилинган микроРНК лар натижаларнинг ички тузилиш таркибини ва уларни ифодалашда клиник ҳамда патологик кўрсаткичлар (жинси, ёши, ташхиси, бўғимлардаги деструкция даражаси, жигардаги диффуз ўзгаришлар ва СВГ инфекциялари) нинг кўшган ҳиссасини баҳолаш учун кенг кўламли маълумотлар таҳлили ўтказилди.

МикроРНК-122 даражаси ($2 \text{ Ct} * 100$) формуласи билан ҳисобланиб, эндоген назорат сифатида кодланмайдиган кичик ядроли РНК U6 (snRNA) гача нормаллаштирилди ва анъанавий бирликларда тақдим этилди. МикроРНК-221 ифода даражалари pmi-miR-295 ифода даражасига нисбатан $2 \Delta\text{Ct}$ -СТ тенгламаси ёрдамида нормаллаштирилди, бу ерда $\Delta\text{Ct} = (\text{Ct микроРНК-221} - \text{Ct pmi-miR-295})$; Шундай қилиб, ΔCt қиймати микроРНК-221 қон зардобдаги ифода даражаси билан салбий боғлиқ эди. ΔCt ўртача қиймати назорат гуруҳида $7,30 \pm 0,74$ га тенг бўлди. Тартибга солиниши бузилган микроРНК-122 ва - 221 ларнинг ифода даражаларининг чегаралари минимал, ўртача юқори ва юқори даражада экспрессияланиши кўринишида фарқлаб олинди.

Тадқиқот жараёнида МикроРНК-122 ва - 221 экспрессияси даражасининг жинс ва ёшга боғлиқлиги таҳлил қилинди ва бунда ишончли боғлиқлик аниқланмади. МикроРНК-122 экспрессияси даражасининг асосий ҳамда жигар патологик жараёнининг давомийлигига боғлиқлиги қайд этилди. 1-гуруҳдаги беморларда касалликнинг давомийлиги аёлларда ўртача $6,7 \pm 3,2$ йил, эркекларда $5,7 \pm 3,3$ йилни ташкил этди. 2-гуруҳдаги беморларда касалликнинг давомийлиги аниқ фарқ қилди ва эркеклар учун ўртача $6,5 \pm 1,6$ йил ва аёллар учун $3,7 \pm 2,4$ йилни ташкил этди. Бу кўрсаткич 3-гуруҳ беморларда кам фарқлар билан намоён бўлди: аёлларда ўртача $4,7 \pm 3,2$ йил, эркекларда $3,7 \pm 3,3$ йилни ташкил этди. Юқорида қайд этилганидек микроРНК-122 ифода даражасининг 4 та диапозони - паст ($0,001 - 0,14$), ўртача ($0,15 - 1,05$), юқори ($1,05 - 12,88$) ва энг юқори ($>12,89$) даражалари мавжуд бўлиб, ушбу беморларда микроРНК-122 ифода даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, зардобдаги miR-122 даражаси паст бўлган беморларда касалликнинг энг узоқ даври бўлган. Худди шундай микроРНК-221 ифода даражаларида ҳам минимал, ўрта ва юқори даражаларга табақалантирилиб ҳисобланди. Бироқ, микроРНК-221 кўрсаткичлари таҳлили эса 1 ва 3 кичик гуруҳларда микроРНК-122 ифода даражасига тескари пропорционалигини қайд этдик, яъни микроРНК-221 экспрессия даражаси юқори бўлган 1-кичик гуруҳдаги беморларда касаллик давомилиги энг узоқ давом этган ва аксинча

микроРНК-221 ифодаси паст диапазони қайд этилган беморларда касаллик давомчилиги энг қисқа муддат эканлиги аниқланди.

МикроРНК-122 ва - 221 ларнинг паст ифода даражаси қийматлари оралиғида аниқланиши оралиғида тескари кўрсаткичларда намоён бўлди: беморларнинг 1,2 ва 3-кичик гуруҳларида микроРНК-122 намоён бўлиш тарқалганлигига ўта юқори ифода даражаси қийматлари оралиғидаа 4,76%, 15,21% ва 23,3% кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлил қилинганда 52,3%, 26,08% ва 13,5%ни ташкил этди ва бу диапазонда асоратларни аниқлашнинг ҳисобланган эҳтимоли ҳамда хавфи 4,7 (95%, CI 0,61 - 60,13) ва 4,7 (1,64-160,1) мос равишда, юқори кўрсаткичларда OR=6,2 ва RR=4,7, фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб чиқди ($\chi^2=8,0$, $P<0,005$). **Бу ифода даражаси қийматлари оралиғида жигар фибрози ривожланиш хавфи ортди ва бу аниқ ифодаланди;** 1,05-12,88 оралиғидаги беморларнинг 1, 2- ва 3-кичик гуруҳларидаги беморларнинг тарқалишидаги фарқ мос равишда 14,2%, 26,8% ва 30,8% ни ташкил этди, бу оралиқдаги асоратларни аниқлашнинг ҳисобланган эҳтимоли 7,9 (95% CI 1,13- 55,58) ва 15,7 (95% CI 1,58- 154,1), аммо юқори кўрсаткичларга қарамасдан OR=15,7 ва RR=7,9 бўлса, фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб чиқди ($\chi^2=5,9$, $P<0,01$ учинчи диапазонда RR деярли 8 марта, аниқланиш хавфи, яъни OR 15,7 марта ортади). Бу ҳолда, ультратовуш текширувига кўра, микроРНК-122 ифода даражаси ва фибрознинг 4-босқичи ўртасида сезиларли боғлиқлик аниқланди, 4-босқич фибрознинг ифода даражаси ўртасида сезиларли боғлиқлик аниқланди.

Бундан ташқари микроРНК-122 ва-221 ифодасининг касалликларнинг давомийлиги билан ўзаро алоқадорлиги таҳлили ўтказилди. Корреляция коэффиценти микроРНК-122 ва 221 ифодаси даражаси ва патологик жараённинг давомийлиги ($r=-0,36$) ўртасида ҳисобланганда 1-гуруҳдаги беморларда касалликнинг давомийлиги аёлларда ўртача $6,7\pm 3,4$ йил, эркекларда $5,7\pm 3,3$ йилни ташкил этди. 2-гуруҳдаги беморларда касалликнинг давомийлиги аниқ фарқ қилди ва эркеклар учун ўртача $6,5\pm 1,6$ йил ва аёллар учун $3,7\pm 2,4$ йилни ташкил этди. Бу кўрсаткич 3-гуруҳ беморларда кам фарқлар билан намоён бўлди: аёлларда ўртача $4,7\pm 3,2$ йил, эркекларда $3,7\pm 3,3$ йилни ташкил этди. Юқорида қайд этилганидек микроРНК нинг ифодасини 4 даражадаги қийматлари оралиғида - паст, ўртача, юқори 1 ва ўта юқори экспрессияда табақаланганда, ушбу беморларда микроРНК-122 ифода даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, зардобдаги микроРНК-122 даражаси паст бўлган беморларда касалликнинг энг узоқ даври бўлган. Бироқ, микроРНК-221 кўрсаткичлари таҳлили эса 1 ва 3 кичик гуруҳларда микроРНК-122 ифода даражасига тескари боғлиқликни кўрсатди, яъни микроРНК-221 экспрессия даражаси юқори бўлган 1-кичик гуруҳдаги беморларда касаллик давомчилиги энг узоқ давом этган ва аксинча микроРНК-221 ифодаси паст диапазони қайд этилган беморларда касаллик давомчилиги энг қисқа муддат эканлиги аниқланди.

Қон зардобдаги микроРНК экспрессия даражаси ва АЛТ, вирус юкламаси, HbsAg титри даражаси ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилганимизда, натижалар шуни кўрсатдики, АЛТ даражаси қон зардобдаги

микроРНК маркерларининг юқори регуляцияси билан боғлиқ ягона омил эмас. Биз бошқа омиллар (гепатит В вируси ДНК си, гепатит С вируси РНК си, HbsAg титри, билирубин, **ишқори фосфатаза ва гамма-глутамилтранспептидаза**) нинг ушбу конда айланиб юрувчи кодланмайдиган микромолекулалар билан боғлиқлигини таҳлил қилдик. Ҳақиқатан ҳам, биз СВГ билан касалланган беморларда корреляция коэффициенти ва статистик аҳамияти нуқтаи назаридан гепатит В вируси ДНК даражаси ва HbsAg титри аслида ушбу маркерлар билан кўпроқ боғлиқлигини аниқладик (гепатит В вируси ДНК си учун $r = 0,386-0,575$, $p = 5,98 \text{ E-}15-2,57 \text{ E-}8$, HbsAg титри учун эса $r = 0,458-0,645$, $p = 1,09 \text{ E-}14-8,96 \text{ E-}9$, 4-жадвалга қаранг), қон зардобидаги АЛТ даражасига қараганда ($r = 0,204-0,355$, $p = 3,18\text{E-}7-0,006$). Ҳақиқатан ҳам, ВГВ гуруҳини АЛТ даражаси ($>40 \text{ У/Л}$ нисбатан $\leq 40 \text{ Б/Л}$) га қараб тақсимлагандан сўнг ҳеч бир маркерда сезиларли фарқ аниқланмаган, **бу эса АЛТ эмас, балки ВГВ вирус юкламаси уларнинг тартибга солинишида асосий белгилловчи омил эканлигини кўрсатади.** HCV билан оғриган беморлар учун фақат албумин ($p = 0,426$, $p = 0,003$) ва ГТБ ($p = 0,408$, $p = 0,005$) биров сезиларли боғлиқликни кўрсатди (4-жадвал).

Шундай қилиб, корреляция таҳлиллари албумин ва микроРНК-122 каби айланма микроРНК маркерлари АЛТ билан солиштириганда HbsAg титри/гепатит В вируси ДНК си, гепатит С вируси РНК си билан кўпроқ боғланганлигини аниқ кўрсатди.

4-жадвал

Қон зардобидан миРНКнинг АЛТ, гепатит В вируси ДНК си, гепатит С вируси РНК си ва HbsAg титри билан ўзаро боғлиқлиги таҳлили

Плазма биомаркерлари	АЛТ	r^a	HBV ДНК ^b	r^c	HBsAg титри ^d	r^e	HCV РНК ^f	r^g
	Корреляцион коэффицент		Корреляцион коэффицент		Корреляцион коэффицент		Корреляцион коэффицент	
Албумин	0,369	3,87E-07	0,575	1,89E-11	0,645	4,35E-12	0,426	0,003
Гаптоглобулин	0,311	2,32E-05	0,504	1,19E-09	0,52	3,12E-10	0,408	0,005
микроРНК-122	0,204	0,006	0,436	2,37E-07	0,452	8,76E-08	-0,02	0,896
микроРНК-221	0,236	0,054	0,528	1,97E-07	0,514	8,42E-08	-0,04	0,906

Изоҳ: бу ерда - a - ҳар бир плазма биомаркер ва АЛТ ўртасидаги корреляциянинг П қиймати; b - фақат СВГ гуруҳидаги субъектлар киритилган; c - ҳар бир қон зардобидан биомаркери ва HBV ДНК си ўртасидаги корреляциянинг r қиймати; d - фақат СВГ гуруҳидаги субъектлар киритилган; e - ҳар бир қон зардобидан биомаркери ва HbsAg титри ўртасидаги корреляциянинг r қиймати; f - Фақат HCV гуруҳидаги субъектлар киритилган; g - ҳар бир қон зардобидан биомаркери ва л HCV РНК си ўртасидаги корреляциянинг r қиймати

МикроРНК-122 нинг энг паст даражалари оғир жигар фиброзиси бўлган беморларда топилган бўлса, **профибротик микроРНК - 221** ифода даражалари эса фиброз прогрессивланиши билан тўғри пропорционал эканлиги аниқланди ва бу адабиётда қайд этилган маълумотларни тасдиқлайди, шунинг учун ушбу микроРНК ларнинг ифода даражаси жигарнинг функционал имкониятларини кўрсатиши мумкин. Шундай

қилиб, микроРНК-122 ва -221 экспрессия даражаси РА вирусли гепатитлар билан ҳамкор кечган беморларда асоратлар хавфини баҳолашда - фиброз ривожланишини аниқлашда зарурий прогностик параметрдир.

Диссертациянинг олтинчи боби **«Ревматоид артритга чалинган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликларининг башоратлаш ва эрта ташхислаш алгоритми»** деб номланган бўлиб, РА билан касалланган беморларда коморбид жигар патологияларинг ривожланиши, клиник кечиши ва асоратлари (хусусан, фиброз шаклланишини) эрта ташхислаш ва башоратлашда ҳамда хавф гуруҳларини стратификациялашда эпигенетик таҳлил усулларини рационал татбиқ этиш алгоритми тузилган ва атрофлича тушинтирилган. РА ЖСДК ҳамкор кечган холатлар учун ишлаб чиқилган алгоритм асосида жигарда кечаётган яллиғланиш, стеатоз ва фиброз босқичлари баҳоланди ҳамда тиббиётнинг бирламчи бўғинлари учун эрта профилактикаси таъминланди.

ХУЛОСАЛАР

«Ревматоид артритда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари кечишининг молекуляр-генетик ва клиник-иммунологик хусусиятлари» мавзусида докторлик диссертацияси устида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Олиб борилган тадқиқотга кўра, ревматоид артрит билан оғриган беморларда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари энг кенг тарқалган коморбид патологиялардан бўлиб, умумий беморлар гуруҳида 55,1% холатларда учради. Беморларнинг ушбу кўламида вирус этиологияли жигар шикастланиши (11,8%), жигарнинг ноалкагол ёғ хасталиги (19,9%), медикаментоз гепатитлар (23,4%) клиник жиҳатдан устунлик қилди.

2. Ревматоид артритда коморбид патология сифатида аниқланган жигар касалликлари кечиши асосий касалликнинг давомийлиги ва фаоллиги билан узвий боғлиқлиги аниқланди. Жигар фиброзининг авжланиши ревматоид артрит юқори фаолликда кечган шахсларда жадалроқ суръатларда амалга ошиши қайд этилди. Ревматоид артритда сурункали вирусли гепатитларнинг мавжудлиги жигар тўқималарида яллиғланиш жараёнининг фаоллик даражасига ва гепатитнинг сурункали тус олиш даражасига таъсир қилмайди. Ревматоид артритда вирусли бўлмаган генезли жигарнинг сурункали диффуз касалликлари мавжудлиги ҳам жигарда фибротик ўзгаришларни сезиларли даражада прогрессивлаштирди, яъни фиброз жараёнларининг жадаллашуви учун этиологик омил эмас, жараённинг давомийлиги ҳал қилувчи омиллиги аниқланди.

3. РА ва сурункали вирусли гепатит мавжуд беморларда олиб борилган корреляцион таҳлил натижасида клиник - метаболик кўрсаткичларнинг биокимёвий кўрсаткичлар ва УТЭ маълумотлари бўйича жигар зичлиги билан ишончли боғлиқлиги аниқланди. Хусусан, АЛТ, ИФ ва жигар зичлиги ўртасида бевосита боғлиқлик, цитоллиз ва холестазнинг маркерлари билан, яъни ЗЮЛП орасида эса тескари боғлиқлик аниқланди.

4. РА ва жигарнинг сурункали диффуз касалликлари билан оғриган беморларда гепатоспецифик микроРНК-122 ва профибротик микроРНК - 221 экспрессия даражасини баҳолаш жигар фиброзини башоратлаш ва кейинги босқичлари стратификацияси учун ҳамда ревматоид артритнинг клиник авжланишини эрта ташхислаш жараёнида фойдаланиш имконини бериши аниқланди.

5. РА ва жигарнинг сурункали диффуз касалликларида беморларнинг стандарт текширув усули сифатида эпигенетик, жумладан микроРНК-122 ва - 221 экспрессия даражасини аниқлашни жорий этилиши ва диапазонларни аниқлаш уларда ревматоид артритнинг ва жигарга боғлиқ асоратларнинг ривожланиш ҳавфини камайтиради, бу эса эрта ногиронлик, ўлим кўрсаткичларининг камайишига олиб келади.

6. Клиник, лаборатор ва инструментал маълумотларни баҳолаш асосида ишлаб чиқилган РА ва ЖСДК билан оғриган беморларда асосий касалликнинг авжланиши ҳамда жигар зарарланишининг шаклланиши ва ривожланиши учун хавф гуруҳларини аниқлаш алгоритми касалликни ташхислашни яхшилаш имконини беради ва охир-оқибат оптималлаштиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ШУКУРОВА ФАЗИЛАТ НАРМАМАТОВНА

**МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ И КЛИНИКО-
ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ
ХРОНИЧЕСКИХ ДИФФУЗНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПЕЧЕНИ ПРИ
РЕВМАТОИДНОМ АРТРИТЕ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2023.3.DSc/Tib893.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Каримов Маъриф Шакирович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ходжиметов Абдугафур Ахатович
доктор биологических наук, профессор

Юлдашева Гулчехра Рустамовна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2025 г. в « ____ » часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2.Тел./Факс: (+99878) 150-78-25); e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована № ____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2.Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2025 г.

(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2025 г.)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Ревматоидный артрит (РА), одно из наиболее распространенных системных аутоиммунных заболеваний среди населения мира, остается в постоянном центре внимания медицинской науки и практики здравоохранения. Это заболевание наносит значительный экономический ущерб всем странам. В последние годы внедрены новые подходы к ранней диагностике РА и совершенствуется базисная терапия, что позволило значительно улучшить ранний прогноз этой патологии. Некоторые исследования подтверждают, что сопутствующие заболевания непосредственно ухудшают прогноз заболевания и сокращают продолжительность жизни пациентов с РА. Одной из таких проблем являются развитие хронических диффузных заболеваний печени (ХДЗП), в частности, хронических вирусных (ХВГ) и хронических аутоиммунных гепатитов (ХАИГ), жировой болезни печени и токсических гепатитов у пациентов с РА, несмотря на современные достижения ревматологии в профилактике и лечении осложнений РА, прогрессирование которых проявляется неуклонным ростом клинико-функциональных показателей поражения печени. Это, в свою очередь, свидетельствует о негативном влиянии диффузных заболеваний печени, имеющих прогностическое значение при РА, на качество жизни больных, а также о том, что комплексный анализ патогенетических и клинических особенностей этой сопутствующей патологии и ранняя ее диагностика являются не только медицинской, но и социально-экономически актуальной проблемой.

В настоящее время во всем мире проводится ряд научных исследований, направленные на оценку прогностической значимости клинико-патогенетических и генетических аспектов хронических диффузных заболеваний печени у пациентов с РА. В связи с этим особую актуальность приобретает обоснование влияния метаболических и генетических факторов на развитие ХВГ у больных РА, а также определение уровней экспрессии микроРНК-122 и -221 в группе пациентов с диагностированным ХДЗП с помощью молекулярно-генетического исследования и использование уровня их экспрессии в качестве прогностического маркера в диагностическом процессе, направленном на классификацию и прогнозирование групп риска, как маркера риска развития осложнений хронических вирусных гепатитов.

В нашей республике успешно реализуется ряд работ, направленных на развитие медицинской отрасли, приведение ее в соответствие с мировыми стандартами, снижение и профилактику распространения хронических заболеваний различной степени тяжести среди населения. В этой связи «...организовать медицинские кластеры в районах республики в целях приближения оказываемых медицинских услуг к населению и повышения его комфортности. Формирование современной системы менеджмента, предусматривающей внедрение наиболее образцовых практик управления и контроля качества медицинских услуг на основе мировых стандартов...»¹ в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УФ-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

числе поставленных задач. Решение этих задач позволит снизить показатели инвалидности и смертности от осложнений заболеваний за счет повышения уровня современной медицинской помощи в диагностике различных степеней ревматологических заболеваний среди населения, их клинико-патогенетических и генетических аспектов, а также улучшения использования современных технологий в оказании качественных медицинских услуг.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации реформ в обеспечении общественного здравоохранения, установленных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указом «Узбекистан - 2030», утвержденным от 11 сентября 2023 года № ПФ-158, Постановлением Президента Республики Узбекистан от 25 мая 2021 года № ПФ-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № ПФ-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», и другими нормативно-правовыми актами, связанными с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Многочисленные научные исследования, направленные на оценку клинических, биохимических и иммуногенетических характеристик коморбидных состояний при РА, проводятся в ведущих научных центрах и университетах мира, в том числе: Американский колледж ревматологии (США), Американская ассоциация по изучению печени (AASLD) (США), Оксфордский университет (США), Калифорнийский университет (США), Медицинский колледж Вейля Корнелла Корнельского университета (США), Институт онкологии Питтсбургского университета (США), Департамент наук о общественном здравоохранении (США); Гарвардская медицинская школа (США), Мельбурнский университет (Австралия), Университет Паулиста (Бразилия), Барселонский университет (Испания), Имперский колледж Лондона (Великобритания), Эдинбургский университет (Великобритания), Университетская больница Нанси (Франция), Цюрихский университет (Швейцария), Копенгагенский университет (Дания), Сеульский национальный университет (Корея), Первый Московский государственный медицинский университет им. И.М. Сеченова (Российская Федерация), Казанский государственный медицинский университет (Российская Федерация), Харьковский национальный медицинский университет (Украина), Ташкентская медицинская академия (Узбекистан).

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz>

Проявление патологии печени при РА может быть обусловлено различными патогенетическими механизмами – иммунными, эндотелиальной дисфункцией, цитокиновым, гормональным дисбалансом, нарушением свертывания крови и агрегации тромбоцитов, а также развитием дегенерации костного и соединительнотканного матрикса, что негативно влияет на различные органы и системы. Несмотря на ряд исследований в этом направлении, связь между особенностями первичного проявления ХДЗП при РА и ее связью с возрастом, активностью заболевания, другими клиническими параметрами и некоторыми молекулярно-генетическими маркерами до сих пор недостаточно изучена. В настоящее время микроРНК признаны во всем мире важными прогностическими маркерами поражения печени при РА, и исследования их влияния на поражение печени при РА все еще продолжаются. В настоящее время имеется ряд данных, подтверждающих важную роль печени в модуляции иммунного ответа при аутоиммунных и хронических воспалительных заболеваниях [Selmi C, Mackay I.R., Gershwin M.E. (2017) Иммунологическая среда печени. Семин Печень Дис 27:129–139]. Однако патогенез поражения печени при РА до сих пор до конца не изучен. Гистопатологический анализ поврежденной печени часто выявляет общие, т.е. неспецифические, изменения, такие как гиперплазия клеток Купфера, повышение уровня липофуцина в центральных долях и инфильтрация воспалительных клеток в портальных трактах [Chentoufi A.A., Serov Y.A., Alazmi M., Baba K. (2014) Иммунные компоненты повреждения печени, связанные с заболеваниями соединительной ткани. J. Clin.Transl.Hepatol 2(1):37–44]. Кроме того, необходимы перспективные исследования, чтобы выяснить, вызвано ли ограниченное повышение уровня щелочной фосфатазы поражением печени или суставов.

На международном уровне проводится ряд исследований, направленных на совершенствование оценки прогностической значимости клинико-патогенетических и генетических аспектов заболеваний печени у больных РА, в том числе по следующим приоритетным направлениям: прогнозирование уровня экспрессии микроРНК-221, обладающей профибротическим эффектом, как маркера поражения печени и суставно-висцеральных поражений у больных РА, а также прогнозирование уровня экспрессии микроРНК-122 у больных хроническим вирусным гепатитом и неалкогольной жировой болезнью печени (НАЖБП) при РА как маркера развития ревматологических и гепатологических проявлений с помощью молекулярно-генетического тестирования, улучшение классификации групп риска, прогнозирования и комплексной диагностики.

Степень изученности проблемы. Многочисленные исследования, проведенные в ряде стран мира, были направлены на изучение течения поражения печени при РА, скорости его прогрессирования, а также на поиск новых маркеров для прогнозирования факторов риска развития ГЦК в результате токсичности лечения вирусных или аутоиммунных заболеваний печени, НАСГ и ревматологических заболеваний. Кроме того, важно изучить влияние иммунодепрессантов на основные вирусные инфекции, особенно

вирусный гепатит, и на ткань печени. По данным Chrong-Reen Wang, Hung-Wen Tsai и др. (World Journal of W J G Gastroenterology, 21 июня; 28(23): 2527-254), тяжесть поражения печени при РА можно оценить с помощью холестатических печеночных ферментов, неинвазивных измерений жесткости печени и генетических исследований. Для этой цели широко используются методы вибрационной переходной и сдвиговой волновой эластографии или магнитно-резонансной эластографии.

Также большие перспективы открываются в этой области в области эпигенетики. Среди обобщающих работ важное место занимает изучение однонуклеотидных полиморфизмов, свободно циркулирующей ДНК, эндосомальных РНК и их значения в патогенезе различных заболеваний (Волошина Н.Б., 2018; Балмасова И.П., 2019). Открытие микроРНК-122 (microRNA-122) в 2002 г. стало знаковым событием в области гепатологии с точки зрения функциональных свойств ее кластера (А.В. Баранов, 2009).

В большинстве исследований представлены результаты изучения microRNA-122 в отдельных группах пациентов с различными патологиями печени, такими как хронический гепатит В и С, гепатоцеллюлярная карцинома (ГЦК) и неалкогольная жировая болезнь печени. К сожалению, эти данные трудно сравнивать, поскольку в них используются разные референтные РНК. При этом важно сравнить уровни microRNA 122 при РА и ХДЗП.

